

Президент Самарқанд халқаро аэропортидаги қурилиш ишларини кўздан кечирди



Ўзбекистон Республикасы Президентининг
МАТБОУТХИЗМАТИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 15 апрель куни Самарқанд шаҳрига келди.

Улкан бунёдкорлик ишлари билан танишув Самарқанд халқаро аэропортидан бошланди. Давлатимиз раҳбари 2019 йили вилоятга ташрифи чоғида ушбу “ҳаво бандаргоҳи”ни модернизация қилиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Лойиҳа доирасида янги терминал, учиш-қўниш йўлаги, турагроҳ ва бошқа обьектлар барпо этилиши белгиланган. Бугунги кунда узунлиги 3105 ва эни 60 метр бўлган учиш-қўниш йўлаги қурилиши тугалланиб, ёритиш-сигнал чироқлари ва аэронавигация ускуналари ўрнатилмоқда.

Президент дастлаб халқаро авиация стандартлари асосида қурилган учиш-қўниш йўлагини кўздан кечирди.

Янги терминал замонавий дизайнга, бир соатда 800 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади. Илгари бу кўрсаткич 400 нафар эди.

- Одамларга қулайлик яратиш асосий мақсад бўлиши керак. Бунинг учун “ақлли технологиялар”ни қўллаш, хизматларни арzon, сифатли, тезкор қилиш зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Турли катталиқдаги самолётлар учун 24 та турагроҳ барпо этилмоқда. Шундан учтаси “ҳаво кемалари”га музлашга қарши ишлов бериш учун мўлжалланган бўлади.

Аэропортда карго хизмати ҳам йўлга қўйилади. Давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида тўхталиб, юқ ташиш рақобатбордошлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

- Карго барқарор ва манфаатли бўлиши учун доимий юқ керак. Бунинг учун самолётларга хизмат кўрсатиш, юкларни ортиш ва етказиб беришни арzon ва тез йўлга қўйиб, бошқа

авиакомпанияларни жалб этиш зарур. Бундан ташқари, вилоятда экспортбоп мева-сабзавотларни күпайтириб, уларни шу карго орқали жаҳон бозорига чиқариш мумкин, – деди Президент.

Янги аэропортни жорий йил сентябрда фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Шундан сўнг, у “очиқ осмон” режимида тўлиқ ишлай бошлайди. 1000 киши иш билан таъминланади.

Самарқанд халқаро аэропорти 1967 йилда қурилган.







Ozbekiston Respublikasi Prezidentining
MATBUOT XIZMATI



Манба